



Бугунги кунда ислом банкларида анъанавий банк операцияларининг, деярли, барчаси, яъни депозит, кредит, аккредитив, хисоб-китоб, тўлов операциялари амалга оширилади.

Бугунги кунда жахоннинг 40 дан зиёд мамлакатда ислом банклари фаолият юритмоқда. «СарИа...» халқаро банклар рейтинг агентлигининг 2000 йил маълумотларига кўра, ҳозирда ислом банкларининг активлари 160 млрд. доллардан ошиб кетган. Классик гарб банк тизими ўзига хос инкирозни бошидан кечираётган бир пайтда шариат ахкомлари асосида муваффақият билан иш юритаётган нисбатан ёш банклар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Банкир ва олим Крис Барлтон ўзининг «Ривожланаётган бозорлардаги банклар» асарида ислом банклари фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилган. Унинг таҳлилига кўра ислом банклари капитали йилига 10—15 фоиз суръат билан ўсмоқда. Бу эса молия соҳасида жуда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Кузатилаётган яна бир тенденция хусусида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Сўнгги пайтларда кўпгина гарб банклари дунёнинг турли мамлакатларида ўзларининг исломий шўъбаларини очмоқдалар. «Чейз Манхэттен», «Голдмэн Сакс», «Ай — Эн — Джи», «Номура Секьюритиз», «Джей Пи Морган» ва бошқалар шулар жумласидандир. Американинг машҳур банкларидан «Ситибанк» махсус ислом фондлари учун 1 млрд. доллар маблағ ажратиши ҳам молия бозорида ислом баньсларининг роли тобора ошиб бораётганлигидан далолатдир.

Бугунги кунда ислом банкларида анъанавий банк операцияларининг, деярли, барчаси, яъни депозит, кредит, аккредитив, хисоб-китоб, тўлов операциялари амалга оширилади. Улар саноат, аграр сектор, тижорат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига катта маблағлар инвестиция қилмоқда.

Мазкур банклар қуйидаги тамойиллар асосида фаолият юритади.

1.Мушорака — шерикчилик асосида, яъни банк ва тадбиркор томонидан лойихани биргаликда амалга ошириш.

Ислом банкларида амалга ошириладиган банк операцияларининг мушорака турида банк молиялаштиришдан кўзлаган мақсад муайян фоиз олиш эмас, балки олиниши керак

бўлган фойдада иштирок этишдир.

Мушоракада олинган фойда куйидагича таксимланади:

— фойданинг бир қисми иш хаки, бошқарув ёки лойихани амалга оширишдаги бошқа иштироки учун шерикка ажратилади;

— фойданинг қолган қисми эса шериклар, яъни банк ва тадбиркор ўртасида лойихага тикилган маблағнинг нисбатига кўра пропорционал равишда таксимланади,

Бирок, шуни таъкидлаш жоизки, иш натижаси зарар билан яқунланса, у ҳам шериклар ўртасида молиялаштиришдаги иштирокига кўра пропорционал равишда таксимланади. Тадбиркор лойиха ташаббускори бўлгани боис, менежментни ўз қўлига олади. Банк эса шартномага катъий риоя қилган ҳолда лойиханинг бажарилишини назорат қилиб боради. Бу билан у ўзи ва шериги томонидан иш учун тикилган капитални химоя қилади. Мушорака бўйича капитал, албатта, икки томондан қўйилмоғи лозим. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, томонлар капиталининг тенг бўлиши шарт эмас. У турли нисбатда қўйилиши мумкин. Инвестиция қилинаётган маблағ эркин айланадиган бўлиши ва энг муҳими, унинг манбаи маълум бўлмоғи лозим. Мушорака шартномаси шерикларнинг бир-бирига бўлган тўлик ишончига асосланади. Ширкат маблағини бегона - учинчи шахс манфаатига ишлатиш ёки пул маблағларини бошқаришни учинчи шахсга, топшириш, шунингдек, компания маблағларини ўзининг шахсий маблағлари билан аралаштириб юбориш, умумий маблағни қарзга бериш ёки кафолат сифатида қўйиш мумкин эмас. Банк талабгор тадбиркорлар ичидан шерик танлашда унинг нафакат профессионал маҳорати, балки унинг ахлоқий жиҳатларини ҳам инобатга олади.

2. Мудораба — ишонч асосида молиялаштириш. Ушбу банк операцияси турининг моҳияти шундаки, бунга кўра томонларнинг бири сармоя қўювчи ва иккинчи тараф иш юритувчи сифатида фаолият юритади. Демак, банк лойихани тўлик молиялаштирувчи бўлса, тадбиркор лойихани бевосита амалга оширувчи ҳисобланади.

Ислом банкларида амалга ошириладиган операцияларнинг мудораба тури мусулмон аҳоли ўртасида кенг тарқалган асосий хўжалик юритиш тамойилини ўзида акс эттиради. Муомаладан холи ёки бўш сармояга эга бўлган шахс уни ўзи хоҳлаган соҳага ёки бир пайтнинг ўзида турли соҳаларга йўналтириши мумкин. Бунда иккинчи тараф сармойани тасарруф этувчи, яъни лойихани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ва

бошқарув ишларига мутасадди шахс сифатида муомалага киришади.

Мудораба шартномасига кўра фойда тарафлар ўртасида олдиндан келишилган нисбатда таксимланади.

Шариат нуктаи назаридан мудораба молиявий воситаларни ишлаб чиқариш омилларига айлантиришнинг ҳалол ва қонуний йўли ҳисобланади. Бунда турли имкониятга эга бўлган хўжалик субъектлари биригиб, ижтимоий фойда келтирувчи хайрли амал билан шугулланадилар.

Мудорабада 3 та иқтисодий категория амал қилади: капитал, меҳнат, фойда. Бунда капитал пул ёки натурал шаклда бўлиши мумкин. Шартнома тузилаётган вақтда капиталнинг ҳажми ва манбаи маълум бўлиши, шунингдек, у бошқа банк операцияларига жалб этилмаслиги лозим.

Лойихани амалга ошириш учун сарфланган меҳнатга ҳақ фойда ҳисобидан тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаб бўлингандан сўнг қолган маблаг соф фойда бўлиб, у шериклар ўртасида шартномада келишилган нисбатда бўлинади.

Худди мушорақа сингари мудораба шартномасида ҳам лойиха банк томонидан синчковлик билан босқичма — босқич ўрганилади. Ушбу шартнома турида ҳам талабгорнинг нафакат молиявий аҳоли, балки унинг ахлоқий жихатларига ҳам асосий эътибор қаратилади.

Банк томонидан лойиханинг бажарилиши устидан доимий ва каттик назорат ўрнатилади. Агар лойихани амалга оширувчи томонидан йўл қўйилган ҳато ёки эътиборсизлик оқибатида зарар кўриладиган бўлса сўзсиз, ушбу зарарни қоплаш иш юритувчи зиммасига юклатилади. Ана шундай вазиятларни назарда тутган ҳолда ислом банклари талабгордан маълум қийматга эга бўлган мулкни гаров сифатида қўйишни талаб қилиши мумкин.

3. Муробаха — тижорат операцияларини молиялаштириш. Ислом банклари опрецияларининг ушбу турида банк муайян тижорат операциясини молиялаштиради ва шартномада кўрсатилган фойдага эга бўлади. Бунда миқдор буюртмасига кўра товар банк томонидан харид қилинади. Сўнгра банк ушбу товарни шартномада кўрсатилган устама нарх билан миқдорга сотади. Ушбу устама нарх банкнинг фойдаси ҳисобланади.

4. Ижор — Ижара операцияси. Банк операциясининг ижор турига асосан тадбиркор кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситасини банкдан ижарага олади. Ислом банкларининг ушбу операцияси бугунги кундаги анъанавий банкларнинг лизинг операцияларига ўхшаш бўлиб, у банк ва тадбиркор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

5. Ижор ва иқтино — сотиб олиш ҳуқуқи бўлган ижара. Банк ва миқдор ўтрасида тузилган ушбу шартномага кўра, банк томонидан ижарага берилган кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситаси ижара муддати тугагач миқдорнинг мулкига айланади. Албатта, бунга қадар ижара объектнинг келишилган нархи белгиланган муддат ичида тўлаб бўлинган бўлиши керак. Анъанавий банклар ҳам лизинг операцияларини амалга

оширишда мижозга ижара муддати тугагач, сотиб олиш ҳукукини беради.

6. Зако́т — Моли нисобга етган давлатманд мусулмонлардаги камбагаллар хаки.

Банк томонидан закотларни жамлаш учун Зако́т уйи ташкил этилади. Ўз навбатида банк Зако́т уйига тушган маблағларни камбагаллар турмуш ахволини яхшилашга, уларни ижтимоий жихатдан муҳофаза қилишга ва бошқа жамоат манфаатидаги ишларга сафарбар қилади. Зако́т уйлари закот тўловчилардан

ташкари барча турдаги хайрия ва эҳсонларни қабул қилиб, уларни аҳолининг муҳтож катламларига етказиш учун хизмат қилади.

7. Ал-Кард ал—Хасан — фоизсиз ссуда ёки қарз.

Ислом банклари жисмоний ва юридик шахсларга маълум муддатга фоизсиз қарз бериши мумкин. Ушбу қарз асосан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун (масалан, завод, фабрика, йўл ва кўприклар қуриш) учун ажратилади. Айрим ҳолларда, маълум объектив сабабларга кўра қарздор шахс ёки ташкилот олинган маблағни қайтара олмаса, банк уни закот фонди ҳисобидан қоплаб бериши мумкин.

Шундай қилиб ислом банклари ўз мижозларига юқоридаги операцияларни амалга ошириш учун уч хил фоизсиз ҳисоб (счё́т)ни таклиф қилади:

1. Жорий ҳисоб. Бу фоиз ставкаси қўйилмайдиган чек ва жамгарма ҳисоби бўлиб, бунда банк мижозлардан қўйилма ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатгани учун муайян тўлов олишга ҳақлидир. Агар мамлакатда инфляция жараёни кузатилаётган бўлса, ҳисоб рақамидаги пул маблағларига индексация асосида муайян миқдордаги пул компенсация сифатида тўланади.

2. Инвестицион ҳисоб. Ушбу ҳисоб тури бўйича мижозлар турли операциялар воситасида ўз маблағларини истикболли лойиҳаларга инвестиция қилишлари мумкин. Албатга, бунда фойда ва зарар, юқорида айтиб ўтилгандек, банк ва мижоз ўртасида шартномага кўра тақсимланади.

3. Кредит ҳисоби. Ислом банклари мазкур ҳисоб орқали талабгор тадбиркорларга ҳамда

Ислом банклари

(а)ни қўшди Abu Muslim

01.11.08 17:15 - Охирги янгиланган 16.05.09 18:39

аҳолининг мухтож катламларига фоизсиз киска муддатли ёки узок муддатли қарз (кредит) беради.

Бунда давлатманд мусулмонлар ўз эҳтиёжларидан холи бўлган бўш маблағларини банкнинг кредит ҳисобига киска ёки узок муддатли депозит сифатида қўядилар. Банк ушбу маблағларни келишилган муддатда тўлигича қайтаришни кафолатлайди. (Doctor Ali)